

ИШ ҲАҚИ
У СИЗНИНГ ҲАҚИНГИЗ
 Прокурор назорати
 4-бет

УМАР ХАЙЁМ
МАШПАРАСТ БУЛМАГАН
 БУДУ-БУГУНГИ ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИ ҲАҚИДА
 Нуктаи назар
 9-бет

Ичимиздаги туйғу
ШАҒҚАТСИЗЛИК
 10-бет

ҚҶШИҚЛАРДА ҲАЁ БЎЛСИН!
 Мухозза
 12-бет

Mustaqillik huquq demakdir

НУҚУҚ

Fevral				
D	3	10	17	24
S	4	11	18	25
Ch	5	12	19	26
P	6	13	20	27
J	7	14	21	28
Sh	1	8	15	22
Y	2	9	16	23

YURIDIK GAZETA

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqq boshlagan.

E-mail: huquq@Infonet.uz

Чоршанбадан Чоршанбагача

19 февраль
 Президент Ислам Каримов пойтахтимиздаги Ўзбекистон тарихи давлат музейини бориб кўрди.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг «2002 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2003 йилда ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги қарори матбуотда эълон қилинди.

20 февраль
 Олий Мажлисида Ўзбекистон қонунчилигида Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим моддаларининг амалиётга бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди.

24 февраль
 Олий Мажлисида парламентнинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси Нотижорат ҳуқуқлар халқаро маркази (USAID) ва Марказий Осиё мамлакатлари учун минтақавий ўқув дастури («STFRF» лойиҳаси) билан ҳамкорликда «Ўзбекистон Республикасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг тадбиркорлик фаолияти» мавзусида давра суҳбати ўтказди.



Дугоналар

Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида гапирилган эди

КИМНИ АЛДАЯПМИЗ?

ёки расмийчилик иллоти хусусида

ЮРТБОШИМИЗНИНГ 2002 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2003 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги маърузасида муҳим масалалар танқидий нуктаи назардан таҳлил этилиб, аниқ лойиҳага ҳақиқий ҳолатга одилона баҳо берилган. Унда шахсан мени ҳам кўлдан бўён ўйлантириб келаятган бир иллат тилга олинганки, бу ҳақда ўз мулоҳазаларимни билдиришни жоиз деб тоғдим.

Аввало, эътиборингизни давлатимиз раҳбарининг мана бу сўзларига қаратишни истардим:

«...Барча вилоят ва туманларда солиқ жамоа ҳўжаликлари ширкат ҳўжаликларига айлантирилган. Лекин жиддий таҳлил этадиган бўлсак, ширкатлар кўп жойларда эски жамоа ҳўжаликларидан деярли фарқ қилмаслиги аён бўлади».

ёки «...Қурилиш ташкилотлари эскича ишлашни давом эттирмоқда. Амалда мамлакатимизда ҳали-ҳануз бозор муносабатларига ўтишнинг асосий шарти бўлган пудрат ишлари бозори яратилгани йўқ. Қурилиш ишларига буюртма бериш юзасидан танлов (тендер савдоси) ҳар бир объект бўйича алоҳида ўтказилмаяпти. Аксарият ҳолларда расмийчилик учунгина уюштирилмоқда».

Дарҳақиқат, шундай. Тўғри, мисол учун, қишлоқ ҳўжалиги, қурилиш соҳасида мулк шакли деярли тўлиқ ўзгаририлган. Бу борада тегишли қонунлар ва меърий асослар яратилган. Ҳўш, у ҳолда нега бу тармоқлардаги ислохотлар қилинган самарани бермаяпти? Нима монелик қилапти? Шахсан мен бу саволга ҳеч иккиланмай «расмийчилик» деб жавоб берган бўлар эдим.

Ўзингиз ўйлаб кўринг: Али тўнини ўзгаририлгани билан Валига айланиб қолмайди-ку. Жамоа ҳўжалиги ширкат ҳўжалигига айлантирилгани билан иш ўз-ўзидан юришиб кетармиди? Бунинг учун жамоанинг ҳар бир аъзоси ўзини чинакам мулкдор деб ҳис этиши, меҳнатига яраша ҳақ олиши керак. Амалда эса пай улшини-ку қўяверинг, ҳатто иш ҳақини йиллаб ололмаи ҳуноб бўлиб юришади. Устига устак, раис жаноблари деҳқон билан номингагина шартнома тузади. Бирок, унга амал қилишни ҳаёлига ҳам келтирмайди. Ҳоҳласа сув беради — хоҳламаса йўқ. Минерал ўғит ими-жимидга тақсимланади. Техника етишмайди.

Боринки, деҳқон ўлиб-тирилиб буюртмани бажарди ҳам дейлик. Режадагидан ортиқча маҳсулотни олиш илинжида раисга минг қуллўқ қилишга мажбур. Ушанда ҳам улўшнинг бир қисмини олса, дўлписини осмонга қотди. Топширган маҳсулотнинг ҳақидан-ку умидини узса ҳам бўлаверади.

Мабодо, бирон мард чиқиб, раисга қонунни рўкач олдса, у сира тал тортмасдан: «Ҳей, нодон! Қонун — мен. Ҳўжаликнинг эгаси менман. Меннинг айтганим бўлади. Бор, тошингни тер» дейиши ҳеч гапмас.

Чунки тепадагилар айтган одам раҳбар бўлади. Вазифага тайинлайдиган ҳам, ишдан бўшатадиган ҳам ўшалар. Ширкат ҳўжалиги ёки ҳиссадорлик жамияти раиси жамоанинг хоҳиш-иродаси билангина сайланиши ёки вазифасидан озод этилиши лозимлигини бутунлай «унтиб» қўйишади. Жуда олижаноблик қилишса, уч-тўрт кишини тўлаб: «Бугундан эътиборан мана шу киши сизларга раҳбар», дейиш билан кифояланишади. Шундай бўлгач, раҳбарлар фақат ўзидан юқори турувчи амалдорларнинг этагидан маҳкам ўшлашади. Жамоани назар-писанд қилишмайди.

Кўрдингизми, кўп ҳолларда бизнинг гапимиз бошқа-ю, ишимиз бошқа. Бу билан ўзимиз ўз кўзимизга чўп суқаятганимизни эса билиб-билмасликча оламиз. Оқибатда қорлошимиз таъкидлагандек «...кўп ҳолларда шакл ўзгариб, моҳият эскича қолмоқда». Ислохотлар «чала-ярим ҳолда амалга ошириляптир, холос».

Ватанимиз тараққиёти, халқ фаровонлигига эришишни хоҳласак, ҳўжақўрсинга ишладдан воз кечайлик. Бошқаришнинг моҳияти тубдан ўзгаририлиб, барча ишлаб чиқариш жараёналари фақат қонуний негизда — шартномалар асосида ташкил этилиши зарур. Ҳар ким меҳнатига яраша манфаатдор бўлиши лозим.

Яна бир истак: ҳар бир киши ҳуқуқий савиясини ошириб борса, аниқ мудоао бўлур эди. Чунки зарурат бўлганда қонуний ҳуқуқ ва манфаатларимизни ҳумоя қилиш имконига эга бўлишимиз керак. Ушанда жамиятга тўрачилик эмас, балки қонун ҳўкмонлиқ қилади. Демакки, адолат ўрнатилди.

Қурбон ЖўРАНАЗАРОВ,
 «НУҚУҚ» муҳбири

TASHABBUS

КўНГИЛЛАРГА ҚУВОНЧ БАХШ ЭТИБ...

НАМАНГАН шаҳар прокуратураси хайрли ишга қўл урди. Шаҳар ҳўкимлиги, «Маҳалла» жамғармаси шаҳар бўлими ҳамда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда ногирон болалар кўнглини шод этиш мақсадига тадбир уюштирди. Шаҳар марказидаги Санъат коллежи мажлислар залига 116 нафар ёрдамга муҳтож ва кам таъминланган ногирон болалар ҳамда уларнинг ота-оналари таклиф этилди.

Шаҳар прокурори Ш.Абдуллаев мамлакатимизда ёш авлод тарбиясига, уларни ҳар томонлама барқамол қилиб воёга етказишга катта эътибор берилаяётганили, уларнинг ҳақ-ҳўқуқлари қонун билан ҳумоя қилинганлиги ҳақида тўхтади.

Шундан сўнг 4 нафар ногирон болага махсус аравача ва 112 нафар ногирон ёшларнинг барчасига мақсадли омонат жамғармасига маблағ қўйилган омонат дафтарчаси тантанали равишда топширилди. Санъат коллежи талабалари қўйлаган Ватан, меҳр-оқибат ҳақидаги қўшиқлар барчага хўш кайфият бахш этди.

А. МАДАТОВ,
 «НУҚУҚ» муҳбири

TADBIR

ПРЕЗИДЕНТ КИТОБИГА БАҒИШЛАНДИ

ЎТГАН душанба кўни Ички ишлар вазирлигининг Ички ва қорув кўшинларида юртбошимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган «Миллий армиямиз мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам қафолатидир» номли китобидан мамлакатимиз мудофаа қудратини юксалтириш, сарҳадларимиз дахлсизлигини ҳумоя қилиш, ҳарбий интизомини мустаҳкамлаш борасида келиб чиқувчи вазифаларга бағишланган кенгайтирилган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Ушбу масалалар юзасидан республика Ҳарбий прокурорининг 1-ўринбосари Ш.Узоқов маъруза қилди. Шунингдек, бир қатор ҳарбий қисм раҳбарлари ҳарбий хизматни ташкил этиш борасида жиддий нуксонларга йўл қўйганликлари танқид қилиниб, уларни бартараф этиш борасида аниқ тавсиялар белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратурасининг матбуот гуруҳи

моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши соҳасидаги бошқарув ва назоратни амалга оширувчи органлар”;

2) **12-моддасининг биринчи қисмидаги** “гиёҳвандлик воситаларини назорат қилиш бўйича махсус ваколатли орган (бундан буён матнда махсус ваколатли орган деб юритилади)” деган сўзлар “махсус ваколатли орган” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

XXIII. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августда қабул қилинган “**Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида**”ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, №9, 223-модда):

1) **6-моддаси биринчи қисмининг олтинчи хатбоши**си қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“Гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида кўрсатмалар беради, шунингдек, гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги нормалари ва қоидалари қўпол равишда бузилган ҳолларда хавфлилик даражаси юқори бўлган объектлар жумласига кирувчи гидротехника иншоотларини лойиҳалаш, қуриш ва улардан фойдаланиш фаолиятини амалга ошириш учун берилган лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тугатиш ҳақида тақлифлар киритади”;

2) **8-моддасининг тўртинчи хатбоши**си “хавфлилик даражаси юқори бўлган объектлар жумласига кирувчи” деган сўзлар билан тўлдирилсин”;

3) **12-моддаси** чиқариб ташлансин.

XXIV. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган “**Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида**”ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, №5 - 6, 142-модда):

1) **20-моддаси:**

тўртинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:
“Лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар лицензиат унда кўрсатилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади”;
қуйидаги мазмундаги **қисм** билан тўлдирилсин:

“Лицензияланадиган фаолиятни ўшбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларидаги талабларни бузган ҳолда амалга ошириш фаолият билан лицензиясиз шугулланганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади”;

2) **22-моддаси биринчи қисмининг тўртинчи хатбоши**си чиқариб ташлансин.

XXV. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган “**Амалга оширилиши учун лицензиялар талоб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида**”ги Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, №11-12, 222-модда; 2002 йил, №6 - 7, 105-модда) **1-иловасининг ўн иккинчи хатбоши**си қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни олиб кириш (олиб чиқиш), сақлаш, реализация қилиш (бериш), тақсимлаш, ташиш, ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқариш, тайёрлаш, йўқ қилиш, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлардан илмий ва ўқув мақсадларида, шунингдек, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун, шу жумладан, тиббиётда ва ветеринарияда фойдаланиш”.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 13 декабрь.

Буқлаш чизиғи



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

«Халқ сўзи» газетасининг 2003 йил 14 февраль сонидан олинди.

Киркиш чизиғи

технология ускуналари, ваколатли банкнинг тегишли тасдиғи бўлган тақдирда”;

15) **78-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:
“Тамом бўлган ойда солиқ бўйича тўлов суммаси энг кам иш ҳақининг эллик баравари миқдоридан ортиб кетган солиқ тўловчи охириги ойлик ҳисоб-китоб бўйича бюджетта тўланиши лозим бўлган солиқ суммасининг иккидан бир қисми миқдоридан жорий тўловлар (ҳисобот ойининг 20-қунига қадар ва ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-қунига қадар) тўлайди, реализация бўйича амалдаги оборотлардан келиб чиқиб ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-қунига қадар қайта ҳисоб-китоб қилади”;

16) **90-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:
“Юридик шахслар учун асосий воситаларнинг (қонун ҳужжатларига мувофиқ мулк қилиб олинган ернинг қиймати бундан мустасно) ва номоддий активларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати, шунингдек, белгиланган муддатларда тугалланмаган қурилиш объектларининг қиймати солиқ солиш объекти ҳисобланади”;

17) **92-моддасининг:**
биринчи қисми қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:
“лизингга олинган мол-мулкнинг, лизинг шартномаси амал қилиш муддатига”;
иккинчи қисмининг олтинчи ва тўққизинчи хатбошилари чиқариб ташлансин;
учинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий ҳокимият органлари (ўз ҳудудда мол-мулки жойлашган солиқ тўловчиларга нисбатан) томонидан қўшимча имтиёзлар берилиши мумкин”;

18) **102-моддаси биринчи қисмининг 7 - 9-бандлари ва учинчи қисмининг 10-банди** чиқариб ташлансин;

19) **104-моддасининг учинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:
“Жисмоний шахслар ер солиғини тенг улушларда икки муддатда - 15 июнь ва 15 декабрдан кечиктирмай тўлайдилар”;

20) **108-моддасининг иккинчи қисми** чиқариб ташлансин;

21) **111-моддаси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“111-модда. Солиқ солиш объекти
Мавсумнинг ишлаб чиқариш чикимлари ва харажатлари солиқ солиш объекти ҳисобланади, бюджетга мажбурий тўловлар, солиқлар, йиғимлар ва давлатнинг мақсадли жамғармаларига ажратмалар бундан мустасно”;

22) **116 ва 117-моддалари** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“116-модда. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилар
Ўз фаолиятида сувдан фойдаланувчи юридик шахслар, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилардир.

117-модда. Солиқ солиш объекти
Ер усти ва ер ости манбаларидан олиб фойдаланилган сув ресурсларининг жами ҳажми солиқ солиш объекти ҳисобланади”;

23) **120-моддаси** қуйидаги мазмундаги **қисм** билан тўлдирилсин:

“Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммасини ҳисоблаб чиқарадилар ва солиқ тўлаш учун белгиланган муддатда солиқ органларига солиқ суммаси бўйича ҳисоб-китоб тақдим этадилар”;

24) **121-моддаси** қуйидаги мазмундаги **қисм** билан тўлдирилсин:

“Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни йилнинг ҳар чорағида, йилнинг ҳисобот чорағидан кейинги ойнинг 15-қунига қадар тўлайдилар”.

Буқлаш чизиғи

(шаҳар) бўлинмаларининг суд ижроси томонидан ижро этилади”.

VII. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августда қабул қилинган “**Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида**”ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, №12, 247-модда; 1998 йил, №9, 181-модда) **16-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“Конституциявий суднинг судьяси Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг розилигисиз жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортилиши, шунингдек, ҳибсга олиниши мумкин эмас”.

VIII. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган “**Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида**”ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, №12, 247-модда; 1998 йил, №9, 181-модда; 1999 йил, №5, 124-модда; 2001 йил, №1-2, 23-модда):

1) **2-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“Марказий банк ўз балансида акс эттирилган мол-мулкка қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда эгаллик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасаруф қилишга ҳақли”;

2) **3-моддаси иккинчи қисмининг тўртинчи хатбоши**си қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“Банklar, кредит уюмлари ва гаровхоналар фаолиятини лицензиялаш ҳамда тартибга солиш, банklar, кредит уюмлари ва гаровхоналарни назорат қилиш, қимматбаҳо қоғозлар бланкалари ишлаб чиқаришни лицензиялаш”;

3) **11-моддаси:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:
“Марказий банкнинг чет эл валютаси курсининг ёки қимматбаҳо металл қийматининг ўзгариши натижасида олтин-валюта резервларини қайта баҳолашдан ҳосил бўладиган реализация қилинмаган даромадлари ва харажатлари олтин-валюта резервларига оид операциялар бўйича қайта баҳолаш фондига қиради”;

иккинчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлари тегишинча **учинчи, тўртинчи, бешинчи ва олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

бешинчи қисмидаги “фондлар ва мажбурий резервлар” деган сўзлар “аниқ мақсадга йўналтирилган резервлар ва фондлар” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **17-моддаси:**

қуйидаги мазмундаги **учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:
“Марказий банкнинг норматив ҳужжатларини тасдиқлайди”;

учинчи - ўн бешинчи хатбошилари тегишинча **тўртинчи - ўн олтинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

еттинчи ва саккизинчи хатбошилари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“Банklar учун иқтисодий нормативларни ва кредит уюмлари ва гаровхоналар учун молиявий операциялар ўтказиш қоидаларини тасдиқлайди, шунингдек, уларга риоя этилишини кўриб чиқади”;

банк фаолияти билан шугулланиш учун лицензиялар бериш ва уларни қақриб олиш тўғрисида қарорлар қабул қилади, кредит уюмлари ва гаровхоналар фаолияти, шунингдек, қимматбаҳо қоғозлар бланкалари ишлаб чиқариш лицензияланишини амалга оширади”;

5) **24-моддаси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“24-модда. Монетар кўрсаткичлар ўзгаришининг аниқ мақсадли мўлжаллари Марказий банк Ўзбекистон Республикасидаги пул-кредит, молия, валюта ва нарх муносабатлари ҳолатидан келиб чиқиб, битта ёки бир қанча монетар кўрсаткичлар

қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Аxbоротномаси, 1993 йил, №9, 325-модда; 1994 йил, №11-12, 285-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 1995 йил, №12, 269-модда; 1996 йил, №5-6, 69-модда, №9, 144-модда; 1997 йил, №2, 56-модда; 1999 йил, №9, 229-модда) **5-моддасининг саккизинчи ва тўққизинчи қисмлари** куйидаги тахрирда баён этилсин:

"Акциядорлик жамияти томонидан чиқарилган барча облигацияларнинг номинал қиймати жамиятнинг шакллантирилган устав фонди миқдоридан ошиб кетмаслиги лозим. Жамият томонидан облигациялар чиқаришга фақат жамият устав фонди тўлиқ тўланганидан кейин йўл қўйилади.

Бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги ҳўжалик юритувчи субъектларнинг облигацияларини чиқариш суммаси миқдори қонун ҳўжатлари билан белгиланади".

V. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекс (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Аxbоротномаси, 1995 йил, №1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 1996 йил, №9, 144-модда; 1997 йил, №2, 56-модда, №9, 241-модда; 1998 йил, №5-6, 102-модда, №9, 181-модда; 1999 йил, №1, 20-модда, №5, 124-модда, №9, 229-модда; 2000 йил, №5-6, 153-модда; 2001 йил, №1-2, 23-модда, №9-10, 165-модда; 2002 йил, №9, 165-модда) **144-моддасининг биринчи қисмидаги** "гайриқонуний рад этиш" деган сўзлар "ассосиз рад этиш" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

VI. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Аxbоротномаси, 1995 йил, №3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 1995 йил, №9, 193-модда, №12, 269-модда; 1996 йил, №5-6, 69-модда, №9, 144-модда; 1997 йил, №2, 56-модда, №4-5, 126-модда, №9, 241-модда; 1998 йил, №3, 38-модда, №5-6, 102-модда, №9, 181-модда; 1999 йил, №1, 20-модда, №5, 124-модда, №9, 229-модда; 2000 йил, №5-6, 153-модда, №7-8, 217-модда; 2001 йил, №1-2, 23-модда, №9-10, 165, 182-модда; 2002 йил, №1, 20-модда, №9, 165-модда):

- 1) 128-моддаси:**
иккинчи қисмининг диспозицияси куйидаги тахрирда баён этилсин:
"Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳўқуқбузарлик учун маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида худди шу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳар қандай ҳўқуқбузарликларни содир этиш";
Ўзбекча матнининг тўртинчи қисми санкциясидаги "олти ойгача" деган сўзлар "олти ой" деган сўзлар билан алмаштирилсин;
- 2) 215-моддаси:**
биринчи қисмининг санкциясидаги "беш бараваридан етти бараваригача" деган сўзлар "етти бараваридан ўн бараваригача" деган сўзлар билан алмаштирилсин;
иккинчи қисмининг санкциясидаги "етти бараваридан ўн икки бараваригача" деган сўзлар "ўн бараваридан ўн беш бараваригача" деган сўзлар билан алмаштирилсин;
- 3) 337-моддасининг матни** куйидаги тахрирда баён этилсин:
"Маъмурий ҳўқуқбузарлик содир этиш курали ёки бевосита шундай ашё бўлган нарса ни мусодара қилиш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳўзуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти суд ижрочилари худдий бўлимига туман

Бугунги кунинг

XV. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган "Бож тарифи тўғрисида" ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 1997 йил, №9, 228-модда; 1998 йил, №9, 181-модда; 2001 йил, №5, 89-модда) **33-моддаси** куйидаги маъмуридаги **хатбоши** билан тўлдирилсин:
"лизингга бериш учун Ўзбекистон Республикаси худудига олиб кирилаётган технология ускуналари, ваколатли банкнинг тегишли тасдиғи бўлган тақдирда".

XVI. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган "Давлат солиқ хизмати тўғрисида" ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 1997 йил, №9, 232-модда; 1998 йил, №5-6, 102-модда; 1999 йил, №9, 229-модда; 2000 йил, №7-8, 217-модда; 2001 йил, №5, 89-модда, №9-10, 82-модда):

- 1) 5-моддаси биринчи қисмининг 5-банди** куйидаги тахрирда баён этилсин:
"5) савдо, товарларни бериш ва хизматлар кўрсатиш қоидаларига, шунингдек, нақд пул тушумининг банка вақтида топширилишига риоя этилишини текшириш";
- 2) 7-моддаси тўртинчи қисмининг 5-банди** чиқариб ташлансин.

XVII. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекс (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 1998 йил, №2, 36-модда; 1999 йил, №9, 229-модда; 2001 йил, №1-2, 23-модда; 2002 йил, №1, 20-модда) **195-моддасининг биринчи қисми** "шикоят қилиш муддати ўтганидан кейин" деган сўзлардан кейин "қонун ҳўжатларида белгиланган тартибда" деган сўзлар билан тўлдирилсин.

XVIII. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекс (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 1998 йил, 5-6-сонга илова) **17-моддасининг матни** куйидаги тахрирда баён этилсин:
"Никоҳланувчи шахслар давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида бепул асосда тиббий куриқдан ўтадилар. Тиббий куриқдан ўтиш ҳажми ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади".

XIX. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 28 августда қабул қилинган "Давлат ер кадастри тўғрисида" ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 1998 йил, №9, 165-модда) **6-моддасининг олтинчи хатбоши** чиқариб ташлансин.

XX. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августда қабул қилинган "Қимматли қоғозлар бозорига депозитарийлар фаолияти тўғрисида" ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 1998 йил, №9, 172-модда):

- 1) 10-моддаси иккинчи хатбошидаги** "чиқарилган" деган сўз чиқариб ташлансин;
- 2) 18-моддаси биринчи қисмининг олтинчи хатбоши** куйидаги тахрирда баён этилсин:
"депонентлар ҳисобварақлари бўйича операцияларни фақат депонентларнинг ёки улар ишончли вакилларининг белгиланган шаклдаги топшириқлари асосида амалга ошириш, қонун ҳўжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно".

XXI. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган "Лизинг тўғрисида" ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси,

"2) суднинг қарорига мувофиқ – солиқлар ва давлат бюджетига ҳамда давлат мақсадли жамғармаларига бошқа мажбурий тўловлар бўйича";
2) **8-моддаси** куйидаги маъмуридаги қисм билан тўлдирилсин:
"Солиқлар ва давлат бюджетига бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий тўловлар бўйича ундирувни қарздор қорхонанинг мол-мулкига қаратиш солиқ органининг аризаси асосида суд томонидан амалга оширилади".

X. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган "Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида" ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 1996 йил, №5-6, 56-модда) **22-моддасининг бешинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:
"Ташкилий йўсинда йўлга қўйилган бозорда олди-сотди битимлари тўзиш чоғида битим тўзиш ва унга оид ҳисоб-китоблар санаси ўртасидаги вақт қимматли қоғозлар «Кимшоди» савдосининг ташкилотчиси қоидалари, бошқа ҳолларда эса олди-сотди шартномалари асосида белгиланади. Белгиланган муддатлар бузилган тақдирда битим ҳақиқий эмас деб ҳисобланади ва сотувчига етказилган зарар учун харидор айбдор эканлиги аниқланса, унинг жавобгарлигига сабаб бўлади".

XI. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳўқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида" ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 1996 йил, №5-6, 61-модда; 1997 йил, №2, 56-модда; 1998 йил, №3, 38-модда, №9, 181-модда; 1999 йил, №9, 229-модда; 2001 йил, №1-2, 23-модда) **4-моддасининг биринчи қисмидаги иккинчи ва учинчи жумлалар** чиқариб ташлансин.

XII. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августда қабул қилинган "Ноширлик фаолияти тўғрисида" ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 1996 йил, №9, 137-модда):

- 1) 5, 6 ва 7-моддалари** куйидаги тахрирда баён этилсин:
5-модда. Ноширлик фаолияти мониторинги ва назорати
Наширётларнинг (ноширларнинг) ноширлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳўжатлари риоя этишлари мониторинги, шунингдек, лицензия талаблари ва шартларига риоя этишлари устидан назорат ваколатли давлат органи томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.
- 6-модда. Ноширлик фаолиятини лицензиялаш**
Юридик ва жисмоний шахслар ноширлик фаолиятини лицензия олганидан кейин амалга оширишга ҳақли.
Ноширлик фаолиятини лицензиялаш қонун ҳўжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.
- 7-модда. Лицензиялар беришда ва уларнинг амал қилиш муддатини узайтиришда давлат божларининг имтиёзли миқдорлари**
Болалар адабиёти, ўқув адабиёти, норматив маълумотномалар, фан ва техникага оид адабиётни нашрга тайёрлаш ва уларни нашр этиш учун лицензия берганлик ҳамда лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун давлат божларининг имтиёзли миқдорлари белгиланиши мумкин";
- 2) 9-моддасининг бешинчи хатбоши** "ўз мақсулоти ни реализация қилиш" деган сўзлар билан тўлдирилсин;
- 3) 15-моддасининг матни** куйидаги тахрирда баён этилсин:

Қирқинч қизиги

"Ноширлик фаолияти лицензия белгиланган тартибда бекор қилинганда ёки унинг амал қилиши тугатилганда, шунингдек, қонун ҳўжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда тугатилади".

XIII. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрь ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган қонунлари билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекс (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, №11-12; 1997 йил, №2, 56-модда, №9, 241-модда; 1998 йил, №5-6, 102-модда; 1999 йил, №1, 20-модда; №9, 229-модда; 2001 йил, №1-2, 23-модда, №9-10, 182-модда; 2002 йил, №1, 20-модда):

- 1) 587-моддасининг матни** куйидаги тахрирда баён этилсин:
"Лизинг шартномаси бўйича лизинг берувчи (ижарага берувчи) бир тараф лизинг олувчи (ижарага олувчи) иккинчи тарафининг топшириғига биноан сотувчи учинчи тараф билан ундан лизинг олувчи учун мол-мулк сотиб олиш ҳақида келишиш мажбуриятини олади, лизинг олувчи эса бунинг учун лизинг берувчига лизинг тўловларини тўлаш мажбуриятини олади";
- 2) 589-моддасининг:**
учинчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин:
"Лизинг берувчи лизинг объектини қимдан олаётган бўлса, шу шахс сотувчи деб эътироф этилади";
тўртинчи қисмидаги "ишлаб чиқарувчи", "ишлаб чиқарувчи" деган сўзлар тегишли келишишдаги "сотувчи" деган сўз билан алмаштирилсин;
- 3) 590-моддасининг матни** куйидаги тахрирда баён этилсин:
"Лизинг тўлови лизинг берувчининг лизинг объектини сотиб олиш учун қилган харажатларининг ҳаммаси ёки кўп қисми, шунингдек, лизинг объектини етказиб бериш ва белгиланган мақсадда фойдаланиш учун уни яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ бошқа харажатлари лизинг олувчи томонидан қопланиши ҳамда лизинг берувчининг даромадидан иборат бўлади";
- 4) 595-моддаси:**
биринчи қисмининг биринчи хатбоши куйидаги тахрирда баён этилсин:
"Мол-мулк етказиб берилмаган, тўлиқ етказиб берилмаган, муддати кечиктириб етказиб берилган ёки унинг сифати тегишли даражада бўлмаган тақдирда, лизинг олувчи, агар шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса";
иккинчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин:
"Лизинг шартномаси муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда лизинг олувчи илгари бунак сифатида тўлаган пулларини, лизинг объектидан фойдаланишдан олган фойданинг қийматини чегириб ташлаб, ўзига қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли";
- 5) 597-моддасининг:**
биринчи қисмидаги "фойдаланувчи" деган сўз "лизинг олувчи" деган сўзлар билан алмаштирилсин;
учинчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин:
"Лизинг олувчи лизинг тўловларини тўлаш мажбуриятларини бажармаган тақдирда, лизинг берувчи ўзига тегиши керак бўлган тўловларни фоизи билан олиши мумкин";
тўртинчи қисмидаги "мунтазам тўловларни" деган сўз "лизинг тўловларини" деган сўз билан алмаштирилсин.

XIV. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекс (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 1997 йил, 4-5-сонларга илова, №9, 241-модда;

Россия президентлиги номзодларнинг сайловли компанияси 2003 йил 10 декабрда бошланади. «Новости» ахборот агентлигининг хабар беришича, Россия марказий сайлов комиссияси раҳбари Александр Вешняков шу ҳақда маълум қилган.

Бу билан 2002 йил декабр ойида тарқалган хабарлар тасдиқланди. Давлат Думаси депутатлиги учун сайловли компанияси 1 сентябрдан бошланади.

РОССИЯДА САЙЛОВЛАР

Россия қонунчилиги мувофиқ, президентлик ҳам, парламентга ҳам сайловлар уларнинг ваколатлари тугаётган ойнанинг иккинчи ярқанба-сида бўлиб ўтади. Президент сайлови 2004 йил 14 март куни «Россия президенти сайлови тўғрисида» янги қонун асосида бўлиб ўтади. Унда ўз номзодини илгари сурган номзодларни рўйхатга олиш шартлари мураккаблаштирилиб, йирик партиялар вакиллари учун шартлар енгиллаштирилган. Президентликка номзодлар сайловли компанияси бош-ланиши билан расман эълон қилинади. 2000 йили Россия олий лавозими-га номзодлар сони 33 та бўлиб, уларнинг 24 тасигини Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган эди.



ФОЖЕА УСТИГА ФОЖЕА

АҚШнинг Чикаго шаҳридаги Еritome тунги клубида юз берган фожеадан уч кун ўтар-ўтмас Род-Айленд штатининг Варвик шаҳридаги The Station тунги клубида ҳам фожеа рўй берди. Ёлиқ бинода пиротехника воситаларидан фойдаланилиши оқибатида клуб санокли дақиқаларда аланга ичида қолган.

Ҳозирча ҳалок бўлганлар сони расман 96 та деб эътироф этилмоқда. Штат губернатори Дон Карцерининг сўзларига кўра, ушбу ҳодисадан жабрланганларнинг 187 нафари айни пайтда касалхоналарга жойлаштирилган. Айримларнинг аҳоли хаддан зиёд оғирлигини ҳисобга оладиган бўлсак, қурбонлар сони яна ҳам ортиши мумкин.

Эслатиб ўтамиз, Еritome тунги клубида юз берган фожеада 21 киши ҳалок бўлиб, ўнлаб кишилар жароҳатланган эди. Ушанда дискотекада жанжаллашиб қолган икки йигитчани тинчлантириш учун полиция аэроеол балончаларидан фойдаланган, клубдаги 1500 киши буни террорчиларнинг ҳужуми деб ўйлаб ўзини эшикка урган эди. Бир эшикка шунча киши жон-жаҳди билан ёпирилишининг оқибати нима бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас.

БАНКЛАР ЗАРАР КЎРАДИГАН БЎЛДИ


Саккиз миллиондан ортиқ кредит қор-точкалари номерини ўғирлаган ҳакер-нинг иши билан энди ФРБ шуғулланади, дея хабар беради Reuters агентлиги. Эслатиб ўтамиз, Visa, MasterCard, American Express каби қарточкалар билан ишловчи Data Processors International компанияси яқинда унинг операциялар тармоғига кимдир ташқаридан аралаш-ганлиги хусусида хабар берган эди. MasterCard вакилининг сўзларига кўра, ҳакернинг қўлига бор-йўғи 8 млн.дан ошiq кредит қарточкалари номери ту-шиб қолган бўлиши мумкин. Бироқ ҳозир-ча улардан фойдаланилган ҳолат куза-тилмаган.

Экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, мазкур ҳодисадан қарточкаларнинг эгалари эмас, уларни муомалага чиқар-ган банклар зарар кўради. Негаки, номери ўғирланган қарточкалар билан ҳисоб-китоб қилинмай улар янғисига алмашти-рилмоқда. Бунинг учун ўртача 4-5 дол-лар сарфланади. Шундай қилиб, ушбу ўғирликдан банклар кўрадиган зарар 32-40 млн. долларни ташкил этади.

Россия, Хитой, Сурия...

Франция шу ҳафтада қабул қилини-ши қутилаётган БМТ Хавфсизлик ке-нгашининг Ироқ масаласи бўйича янги резолюциясини маъқулламайди. Бу ҳақда яқшанба куни кечқурун Франция Ташқи ишлар вазири Доминик де Вил-липен маълум қилган. БМТ инспектор-лари текширувни давом эттираётган экан, Ироқ бўйича янги резолюция қабул қилишга эҳтиёт йўқ деб ҳисоблайди де Виллипен. Шу билан бирга вазири Ироқ ҳукумати БМТ инспекторлари раҳба-ри Хонс Бликс талаб қилаётганидек, «Ас-Самуд-2» ракеталарини илжой бо-рича тезроқ йўқ қилишга чақирди.

Бундан олдинроқ Хавфсизлик ке-нгашининг аъзоларидан яна бири — Сурия ҳам янги резолюция қабул қилинишига қарши эканлигини билдирган эди. Шунингдек, Хавфсизлик кеңашининг до-имий аъзоларидан Россия ва Хитой ҳам инспекторларнинг Ироқда текширув иш-ларини давом эттиришлари тарафдо-ридир.



Италия. Пиза минораси

НИГОН

Қонун давлат идоралари, фуқароларнинг турли уюшмалари ва алоҳида шахслар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиб турувчи восита сифатида демократик ҳуқуқий давлатнинг асосий мезони ҳисобланади.

Давлатдаги барча муноса-батларнинг қонун доираси-да кечишини ва ҳал этилиши таъминлаш эса суд ҳокимияти зиммасига юклатилган. Қонун устувор-лигининг таъминлини ҳуқуқий демократик давлат қуришга, фуқаролик жамиятини қарор топтириш-га имкон яратади.

Шунинг учун ҳам мамлака-тимизда суд ҳокимияти фаолиятини янада такомил-лаштиришга қатъа эътибор берилмоқда. Шу ўринда хорижий давлатлар тажри-баси билан танишиш суд тизимини такомиллашти-риш ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Осиёдаги ривожлан-ган мамлакат — Япония суд тизими билан танишиш муҳим ўрин тутади.

ЯПОНИЯДА СУД ТИЗИМИ

Замонавий Япония суд тизими 1947-48 йиллардаги конституция-вий ислохотлар натижасида таш-кил топди. У Олий суд, юқори, худ-дий, оилавий ва бошланғич суд-ларни ўз ичига олади. Япония суд тизими кенг ваколатга эга бўлган ва қўйи туровчи судлар устидан конституциявий назорат олиб бо-рувчи Олий суд бошчилик қилади. Олий суд нафақат судлар учун, бал-ки адвокатлар учун ҳам қондалар ўрнатади. Прокурорлар ҳам бу қондаларга амал қилиши мажбу-рийдир. У Токиода жойлашган бўлиб, раис ва 14 та суд аъзолари-дан иборат. Олий суд фуқаролик, жиноий, маъмурий ишларни, кон-ституцияни шарҳлаш, ўзгартриш бўйича саволларни кўриб чиқади. Юқори судлар (улар 8 та, мамла-катнинг турли бурчакларида, йи-рик шаҳарларда жойлашган) 3 та коллежал судьядан иборат бўлиб, апелляция шикоятларини кўриб чиқади. Бундан ташқари 5 та судья-дан иборат ҳайъат давлат миқё-сидаги жиноятларни кўриб чиқади. Япония суд тизимининг муҳим бўғини худдий судлар ҳисоблана-ди. Улар 47 префектуранинг ҳам-масида мавжуд. Уларда фуқаролик

ва жиноий ишлар биринчи инстан-ция сифатида кўрилади. Бошлан-ғич судлар томонидан фуқаролик ишлари бўйича чиқарилган ҳукм-лар юзасидан шикоятларни кўриш ҳам уларнинг ваколатига кирди. Оила судлари Япония суд тизи-мида алоҳида ўрин тутади. Улар ҳам худдий судлар сингари ҳамма шаҳарда мавжуд. Бу судлар эр-хотинларнинг мулкий ва номулкий мунозараларини, мерос ҳақидаги мунозараларини, шу билан бирга 20 ёшга тўлмаган вояга етмаганлар-нинг ҳуқуқбузарликларини ҳал қила-ди. Оила судларида қонун-қоида бўйича якка судья иш олиб боради (айрим ҳолларда 3 та судьядан иборат ҳайъат иш олиб бориши мумкин).

Қўйи судлар — қўйи суд инстан-цияси ҳисобланиб, даъво қиймати кўп миқдорда бўлмаган фуқаролик ишларини кўриб чиқади. Шу билан бирга жаазоси жарима шаклида бўлган ва жазо муддати 3 йилгача бўлган жиноий ишларни ҳам кўриб чиқади. Қўйи судларда ишларни фақат якка судлар олиб боради. Шунини таъкидлаб ўтиш лозимки, Япония судларида суд маслаҳат-чилари мавжуд эмас.

Япония маъмурий адлия тизими 1947 йилда пайдо бўлган ва барча маъмурий органлар ҳаракатлари устидан шикоят худудий судларда биринчи инстанцияда кўрилади (мамлакатда прокуратура Адлия вазирлиги тизимига кирди).

Судьялар ўз лавозимида 10 йил муддатга, Олий суд раиси импер-атор томонидан, қолган судьялар Вазирлар маҳкамаси томонидан тайинландилар. 10 йил муддат ўтгандан кейин ҳам судья такроран ўз лавозимида тайинлиниши мум-кин, то қонун билан белгиланган 65 ёки 70 ёшга тўлмагунча.

Судьялик лавозимини эгаллаш, прокурор ёки адвокат бўлиш учун даъвогарларга қаттиқ талаблар қўйилади. Университетларнинг юридик факультетлари битирувчи-лари юқорида қайд этилган 3 та йўналишни эгаллаш учун ҳар йили Адлия вазирлиги комиссияси то-монидан ташкил этиладиган имти-хонлардан ўтиши керак. Жуда юқори талаблар қўйилиши сабаб-ли даъвогарларнинг 2-3 фоизиги-на имтихонлардан ўта олади. Шун-дан сўнг улар 2 йил амалиёт ўтай-дилар. Унинг 8 ойи судья, 4 ойи адвокатура ва прокуратурада ўта-ди. Шу курслардан муваффақият-ли ўтган юристлар яна имтихон топириб, ўзи хоҳлаган ишга жой-лашиши мумкин.

Мамлакатда 120 млн.дан ортиқ аҳоли яшаса, тахминан 2000 нафар судья, 2100 нафар прокурор ва 12000 афрофида адвок-ат мавжуд. Лекин бу бошқа ривожланган мам-лакатларга нисбатан оз кўрсаткич-дир.

Улуғбек ХУСАИНОВ,
Бекзод ОРИПОВ,
ТДЮИ талабалари

HUQUQ
YURIDIK GAZETA

Ta' sischilar:
O'zbekiston Respublikasi
Bosh prokuraturasi,
Toshkent shahar va
Toshkent viloyati
prokuraturalari,
«Donon himoyasida» jurnali

Bosh muharrir:
Abduxoliq
ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:
Mels Naimov,
Dilshod Islomov
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Jahongir Sharofboyev
(mas'ul kotib),
Lola Shomurodova,
Hasan Inoyatov,
Muxtor Shodmonov.

Gazeta Davlat matbuot
qo'ltimasida №00150 raqam
bilan ro'yxatga olingan.
Nashr ko'rsatkichi - 231, 232.

Manzil: Toshkent shahri,
akademik Yahyo G'ulomov
ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 133-82-34.
Reklama va e'lonlar:
133-82-34
E-mail: huquq@infonet.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozma
va suratlar egalariга
qaytarilmaydi.
Mualliflarning fikrlari
tahririyat fikridan farqlanishi
mumkin.
Nashrimizdan ko'chirib
bosilganda «Huquq» dan
olinganligi ko'rsatilishi shart.
Tijorat ahamiyatiga molik
materiallar ** belgisi ostida
chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter
bazasida teriladi va sahifalandi.
«Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida ofset usulida A-3
formatda chop etildi.
Korxonaga manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Buyurtma G - 3149
Nusxasi — 20122
Gazeta haftaning chorshanba
kunlari chiqadi
Navbatchi muharrir:
J.SHAROFBOYEV
Navbatchi: F.MAMASHARIPOV
Sotuvda erkin narxda
1 2 3 4 5 6 7 8
Bosmaxonaga topshirish vaqti 20.00
Bosmaxonaga topshirildi 17.30

